

ТАРЖИМАНИНГ ЭКСТРАЛИНГВИСТИК ОМИЛЛАРИ

Raupova Muhayyo Nasirovna

O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti

Ingliz tili fani o'qituvchisi

Teacherofuzb2019@yandex.com

АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада экстравалингвистик омилнинг таржимада тутган роли хақида гап кетади. Шунингдек таржимон бешинчи фаолият ҳисобланган таржимада мулоқот иштирокчиси сифатида экстравалингвистик маълумотдан хабардор бўлиши лозимлиги, нутқнинг экстравалингвистик омиллари, нутқ жараёнининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланниши ва таржимонда уибу яъни экстравалингвистик маълумотнинг етарли бўлмаслиги таржиманинг сифати наст, тушунарсиз бўлишига сабаб бўлиши хақида фикр юритилади.

Калим сўзлар: Таржима, экстравалингвистик омил, лингвистик омил, таржима эстетикаси, мамлакатиунослик, таржима маданияти, таржима трансформациялари.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается роль экстравалингвистического фактора в переводе. Также утверждается, что переводчик должен осознавать экстравалингвистическую информацию как коммуникатор в переводе, что является пятой деятельностью, что экстравалингвистические факторы речи являются неотъемлемой частью речевого процесса, и что недостаточность экстравалингвистической информации в переводе приводит к некачественному переводу.

Ключевые слова: Перевод, экстравалингвистический фактор, лингвистический фактор, переводческая эстетика, страноведение, переводческая культура, переводческие трансформации.

ABSTRACT

This article discusses the role of the extralinguistic factor in translation. It is also argued that the translator should be aware of extralinguistic information as a communicator in translation, which is the fifth activity, that extralinguistic factors of speech are an integral part of the speech process, and that insufficient extralinguistic information in translation leads to poor, low quality and incomprehensible translation.

Keywords: Translation, extralinguistic factor, linguistic factor, translation aesthetics, country studies, translation culture, translation transformations.

КИРИШ

Таржимашуносликнинг ривожланиш даврида амалиётчи ва назариётчи таржимон олимлар тўлақонли таржима жараёнини амалга ошириш учун экстраграфика маълумот зарур деган фикрга келишган. Экстраграфика маълумот таржимага тортилган матн маданиятидан билимга эга бўлишни, социомаданий ва мулоқот вазиятларини чукур билишни тақозо этади. Хорижлик, аниқроғи голландиялик тилшунос Э.М. Уленбекнинг ёзишича, "... Манба тили ва таржима тилини билишнинг ўзи кифоя эмас. Таржимон яна ушбу тилда сўзлашадиган халқлар маданиятини ҳам билиши зарур" (Уленбек, 5-29). Хорижлик олимлар орасидан яна бири – Н.Хомский ҳам бу борада фикр билдирган ва экстраграфика маълумот муҳимлигини таъкидлаган (Хомский, 88-90).

Юқорида айтилган фикр нутқнинг экстраграфистик омиллари, унинг шаклидан қатъий назар, у ёзма бўладими ёки оғзаки, нутқ жараёнининг ажralmas қисми ҳисобланади. Таржимон ҳам бешинчи фаолият ҳисобланган таржимада мулоқот иштирокчisi сифатида экстраграфистик маълумотдан хабардор бўлиши лозим. Акс ҳолда таржима орқали қилинган мулоқот охирига, мақсадига етмайди, таржиманинг сифати паст, тушунарсиз ва қандайдир ғализ фикрлар пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бир тилдан иккинчи тилга таржима трансформациялари орқали ўтаётган ва икки тил ўртасида воситачилик қилаётган таржимон мулоқот предмети ва вазиятини тушунмаслиги таржима мазмунига путур етказади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Таржимон таржима қилаётган матнининг лингвистик жиҳатларидан ташқари у ҳақида ва у ёритаётган соҳа ҳақида муайян билимга эга бўлиши лозим. Илмий-техник ва бадиий матнлар бир-бирига доим кўп жиҳатдан фарқ қилгани боис қиёсланади. Илмий-техник таржимада таржимон икки тилни билиши билан бир қаторда соҳа ҳақида маълумотга (соҳа нима билан шуғулланиши, илмий аппарат (унда кўлланадиган терминлар тизими) ҳақида маълумотга эга бўлиши керак бўлса, баддий матнлар таржимасида унинг услуби, жанридан ташқари бадиий матннинг миллий хусусиятлари, анъаналари, шеърий матн бўлса унинг вазни, туроги, қофияланишдан ташқари образлар яратишда кўлланадиган стилистик воситаларни юзага келтирадиган ҳолатлар,

рамзлар, халқнинг дунёқараси, эстетик дидлари ва шу кабилар ҳақида атрофлича билимга эга бўлиши назарда тутилади. Бадиий матн таржимасида таржимон мамлакатшунослик бўйича билимига (давлат тузуми, мамалакатнинг маъмурий бўлиниши, таълим тизими, мамлакат яшовчи халқларнинг турмуш тарзи, қадриятлари, мамлакатдаги сиёсий вазият, мамлакат сиёсати ва шу кабилар) эга бўлиши талаб этилади. Экстравангвистик маълумот юқорида санаб ўтилган жиҳатлари билангина кифояланиб қолмайди. Бундан ташқари, у ижтимоий соҳани ҳамда таржима жараёнининг фаолият сифатида жамиятда тутган ўрнини ҳам белгилаши лозим. Исталган фаолиятни таҳлил қилиш вазифаларидан бири уни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Таржима эстетикаси ва танқиди асосида қадриятлар категорияси ётади. Қадриятлар муайян фаолият меъёрини ишлаб чиқиш билан белгиланади. Л.К.Латышев таржиманинг ижтимоий жиҳати, жамият томонидан таржимага қўйиладиган талабларнинг муҳим аҳамияти ҳамда таржиманинг фарқ қилувчи томонлари ижимоий жиҳатдан шартли харакатерга эгалиги бўйича фикр билдирган (Латышев, 215-278).

Ижтимоий меъёрнинг бир қўриниши бўлган таржима меъёри жамиятда шахснинг ҳатти-харакатини шу механизм орқали амалга оширади. Таржиманинг ижтимоий меъёри таржима стратегияси белгиловчи энг умумий қонун-қоидаларнинг йиғиндисидан иборат. Мазкур қонун-қоидалар охир-оқибат таржимон жамият томонидан қўйилган талабларни акс эттиради. Бу талаблар давр, жанр, услуг, анъана жиҳатдан маданиятдан маданиятга ўзгариб туради. Бу ўзгаришнинг мазмуни ҳам ривожланиш жараёни ўз шаклига эга бўлади. Юқоридаги айтилган фикрларни аниқроқ тасаввур қилиш учун Т.Сейворининг келтирган миллий меъёрнинг 12 та тескари ҳақиқатини “The Art of Translation” китобидан келтириш мумкин (Сейвори, 1968).

Келтирилган фикрлар таржима стратегиялари, яъни трансформацияларини амалга оширишда дуч келадиган тўсиқларни, икки тил меъёрларидағи қарама-қаршиликларни енгиш имконини беради. Бу ерда тўсиқ ва қарама-қаршиликлар деганда нафақат тилдаги фарқлар, балки маданиятдаги, унинг қисми бўлган адабиётдаги турли хил қарашлар, анъаналар ва шу кабилар назарда тутилади. Бу ерда агар гап бадиий матн таржимаси устида кетса муаллифнинг мулоқот интенцияси (мақсади), таржимоннинг мулоқот интенцияси, икки маданият ўртасидаги ўхшашлик ва фарқ қилувчи жиҳатларни “нейтраллаштириш” жараёнини таржимон воситачи сифатида амалга ошириши лозим.

Таржима жараёнида эквивалентлик сатҳини аниқлаш лингвистик ва экстралингвистик омилларга боғлиқ. Эквивалентлик тушунчасининг ўзи бевосита меъёрга тегишли тушунча ҳисобланади. Эквивалентлик сатҳининг иерархиясининг бузилиши таржима меъенинг бузилишига сабаб бўлади. Совет даври таржима мактабида (Бархударов, Швейцер, Комиссаров) бундай бузилишга ҳарфма-ҳарф ва эркин таржима сабаб бўлади деб ҳисобланарди. Улар бунга сабаб деб юқорида тилга олинган таржима турлари аслиятнинг бадииятини беролмагани учун улар ҳеч қачон тўлақонли бўлолмаслигини таъкидлашган. XX асрнинг иккинчи яримига келиб, таржиманинг аниқлик даражасига бўлган талаб кучайди. Бадиий асарлар таржимасида эркинликка йўл қўйиш бадиий аср муаллифининг услубига, бадиий асрнинг моҳиятига путур этиши га олиб келди. Бироқ, техник, тижорат, дипломатик таржималарда бундай эркинликка бутунлай йўл қўйиб бўлмайди. Бу турдаги таржима мазкур соҳага бутунлай тўғри келмайди деб ҳисобланади.

ХУЛОСА

Юқоридаги айтилган фикримиз таржимани нутқ фаолиятининг маҳсус тури сифатида ўрганиш лозимлигини кўрсатади. Бунда таржима жараёнида экстралингвистик омилларни ҳам ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади, чунки таржиманинг адекват чиқшида унинг аҳамияти беқиёс. Аксарият олимлар (З.Д. Львовская, В.Н. Комиссаров, Ат.Д. Швейцер, Я.И. Рецкер, Е. Nida, Р. Newmark ва бошқалар) таржимада тафаккур қилиш динамикасини ҳамда мазмун эквивалентининг мулоқот мезонларини ўрганиш назарий ва амалий жиҳатдан аҳамиятли. Шу асосида таржимада моделлаштириш методи пайдо бўлган. Бу таржимоннинг аслият матнидан таржима матнига ўтишда бажариладиган тафаккур жараёнларини ўз ичига олади.

REFERENCES

1. Комиссаров В.Н. Слово о переводе. – М., 1973.
2. Комиссаров В.Н. Лингвистика перевода. – М.: Междунар. Отношения.
3. Комиссаров В.Н. Теория перевода. (лингвистические аспекты). – М.: Высш. Школа.
4. Кузнецов А.М. Национально-культурное своеобразие слова // Язык и культура: Сб. обзоров. - М.: ИИОН АН СССР1987.
5. Львовская З.Д. Теоретические проблемы перевода. – М., 1985.
6. <http://atelim.com/translation-theory-objects-aims-and-methods-of-anal.html?part=2>